

37-СОН
2022/1444

Омина

ИЖТИМОЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ





ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

Бадий раҳбар:

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ

Мухаррирлар:

Барно САИДРАҲМОН

Райҳона ШОМИРЗАЕВА

Масъул муҳаррир:

Азиза Жалолиддинова

Дизайнер:

Рухсора АЗИЗОВА

Ҳайъат аъзолари:

Мадина Джураева

Муҳайё Муҳаммад Юсуф

Гулшода Аллоқулова

Адолат Ҳусанова

Замира Тўйчиева

Оиша Ҳусанова

Электрон манзил:

muslimaat@islom.uz





Аллоҳнинг гўзал исмлари

Ал-Мўмин

Ал-Мўмин – аймон ва омонликни берувчи. Ал-Мўмин сўзи Қуръони каримнинг фақат битта жойида, яъни Ҳашр сурасининг 23-оятида келган. Аслида мўмин калимасининг маъноси “тасдиқловчи” деган сўзни англатади. Бунга Юсуф сурасининг қуйидаги 17-ояти далилдир. “Энди рост гапирсак ҳам, сен тас-

диқловчи” деган маънодадир. Мўмин киши тасдиқлайди, итоат қилади, амалий татбиқ қилади. Эшитган заҳоти амалга ўтади. Масалан, боғда бир илонни кўриб қолдинг. Уни сезиб қолганингни аломати қаттиқ ҳаяжонга тушиб, қўрқиб, бақирингдир. Демак, идрок қилганингни аломати ҳаяжондир. Ҳаяжоннинг аломати ё ўша илонни ўлдириш

ёки ундан қочиб кетишингдир. Ҳаракатсиз ҳаяжон ёлғон ҳаяжондир. Ҳаяжонсиз идрок ҳам ёлғон идрокдир. Идрок қилдингми, албатта ҳаяжонга тушиб, ҳаракатланасан. Агар биздан бирортамиз Қиёматнинг ҳақиқатини билса, албатта ҳар бир қилган амалига ҳисоб-китоб қилишини билади. Билганидан кейин Аллоҳга итоат қилишдан ўзга



чораси қолмайди. Лекин бизнинг идроки-мизда заифлик борлиги учун ҳаяжонда ҳам заифлик содир бўлади ва оқибатда татбиқда ҳам заифлик юзага келади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **«Ва ўзлари эшитмасалар ҳам, “эшитдик” деганлар каби бўлманг»**, (Анфол сураси, 21-оят) деб айтган. Амалиётдаги ёлғон гапдаги ёлғондан ҳам хатарлироқдир. Масалан, бир дўхтирнинг ҳузурига борсанг-да, у сени муолажа қилиш мақсадида текшириб, дори ёзиб берсаю, сен унга эътибор қилгани учун раҳмат айтиб: “Мен сизнинг илмингизга лол қолдим”, деб айтсанг-да, сўнгра у айтган дорини сотиб олмасанг, демак, сен уни амалий равишда илмини ёлғонга чиқарган бўласан. Агар дори сотиб олиб, уни истеъмол қилмасанг, бундай муомалани ҳеч қандай қиймати йўқ, сен бу билан дўхтирнинг илмига шубҳа қилган бўласан. Мусулмоннинг ҳаётидаги энг хатарли нарса амалиётдаги ёлғондир. Инсон ҳаётидаги муомалотларда Ал-

лоҳнинг чизиб қўйган дастурига мувофиқ яшамас экан, у охиратни амалий ҳолда ёлғонга чиқарувчидир. Охиратга иймон келтириб ишониш, агар таъбир жоиз бўлса, инсонни 180 градусга ўзгартириб юбориши керак. Агар шу даражада ўзгартирмасан, демак, охиратга бўлган ишонч ёлғон бўлади. Унинг иймони шаклий бўлиб, ҳақиқий тасдиғини топмаган бўлади. Мусулмон ҳаётидаги энг хатарли нарса тили билан ёлғонга чиқариш эмас, балки амали билан ёлғонга чиқаришдир. Масалан, охират ҳақ, жаннат ҳақ ва дўзах ҳақ, дейди-да, лекин топадиган пули ҳаром, ишлаб чиқараётган нарсаси ҳаром, рибо (судхўрлик) билан аралашиб юради! Инсон бу каби гуноҳларни бажариб, қандай қилиб жаннат ва дўзах ҳақ деб айта олади. Агар айтгани рост бўлганида бундай ҳаром ишларга яқинлашмаган бўлар эди. Шунинг учун мўмин дегани Қуръонда келган нарсаларни тасдиқлаб, уни татбиқ қилган ва Пайғамбар алайҳиссалом олиб

келган нарсаларини тасдиқлаб, суннатни татбиқ қилганни англатади. Иймон тасдиқлаш ва татбиқ қилиш деганидир.

Лекин Аллоҳ таолонинг ал-Мўмин деган исмини қандай тушунамиз? Ал-Мўмин исми Аллоҳга нисбатан ишлатилганида, У Зот одамларни омонликда қилиб, халқидан бирор кишига зулм қилмайди деган маънони ифода қилади. Инсон фақат Аллоҳни яккаю ягона деб билганида ҳамда бутун иш ёлғиз Аллоҳнинг қўлида эканини билганда хотиржам яшайди.

“Ишнинг барчаси Унга қайтарилур. Бас, Унга ибодат қил ва Унгагина таваккал қил” (Худ сураси, 123-оят).

Ал-Мўминнинг яна бир маъноси, мазлумни паноҳига олиб, ҳомийлик қилишини англатади. Буни англаш учун қуйидаги рамзий қиссага эътибор беринг. Қадим замонда бир подшоҳ бўлган эди. Бир қария тоқат қила олмайдиган ишни, яъни юзта халтада ёғоч чиқиндисини йиғишни бўй-



нига юклаб олган эди. Икки йил ишласа ҳам у миқдордаги чиқиндини йиға олмади. Қария ўлдирилишига аниқ ишониб, болалари ва хотини билан видолашди ва васиятини ёзди. Бомдоддан кейин подшоҳ хизматчилари келиб, подшоҳ вафот қилганини ва унинг учун бир тобут ясабини айтишди.

Гоҳида Аллоҳ мазлумга золимдан тўсиқ бўлиб, ҳомийлик қилади. Мана шу ал-Мўмин сўзининг маъносидир. Бунга қуйидаги оят далилдир.

“Агар билсанглар (айтинглар-чи), барча нарсанинг подшоҳлиги Қўлида бўлган, Ўзи (барчага) Ҳомийлик қиладиган, Унга қарши Биров ҳомийлик қила олмайдиган Зот кимдир?” (Мўъминун сураси, 88-оят).

Мўмин киши Аллоҳнинг хулқи билан хулқланинглари, деб айтилган ҳадис олдида ва Аллоҳнинг ал-Мўмин исми олдида нималар қилиши лозим?

Аввало мўмин кишининг амалларини барчаси сўзларига

мувофиқ келиши керак. Мўминда икки хиллик бор. Ботини, яъни ички томони ва зоҳири, яъни устки томони. Масалан, устки томонинг қойилмақом, яъни намоз, рўза, закот ва ҳаж амалларини чиройли адо этмоқдасан. Лекин ботининг гоҳида ҳасад, ғийбат, такаббурлик, чақимчилик, ёлғон, нафратлар каби ботиний гуноҳга тўлган. Сен мўмин сифатида айтган сўзларингга ички оламинг бир хил бўлиши керак. Мўмин кишини зоҳири ботинига, устки томони ички томонига хилоф бўлмайди. Сен Аллоҳнинг хулқи билан хулқланишни ва юксак даражага кўтарилишни истасанг, сўзинг амалиннга мос келиши шарт. Иккинчидан, мўмин бўлишинг учун одамлар сендан омонда бўлишлари ҳам керак.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди!” дедилар. «Ким, эй Аллоҳнинг Расули?» де-

йишди. У зот: «Ёмонлигидан қўшниси эмин бўлмаган кимса», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Сен мўмин эканлигини тасдиғи сифатида атрофингдаги одамлар сендан омонда бўлиши керак. Сен томонингдан уларга нисбатан тўсатдан хиёнат содир бўлмаслиги керак. Чунки мўмин-мусулмонлар шартларида турадилар. Ҳар куни одамлар бир-бирларига хиёнат қилишаётганини эшитиб қоламиз. Баъзи ширкатлар баъзиларига, баъзи оиладаги эр-хотин бир-бирига хиёнат содир қилаётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Бундай хиёнатлар асло мўминнинг ахлоқига кирмайди.

Аллоҳ таоло бандалар бажарган нарсага совға қилиб, охиратда улар учун жаннатни тайёрлаб қўйиш билан омонлик манбасидир.

Манба: islom.uz

Доктор Муҳаммад Ротиб Наблусийнинг “Аллоҳнинг гўзал исмлари” номли асари асосида Анвар Аҳмад таржимаси



Аёллар тор кийимда намоз ўқиши мумкинми?

Кундалик тампонлар билан ўқилган намознинг ҳукми

Савол: Турли ажралмалар келишидан қўрққан ҳомиладор аёлнинг эҳтиёт юзасидан кундалик тампон қўйиб ўқиган намози дуруст бўлади-ми?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, аёлга кундалик тампон ишлатиши мувоҳаб. Лекин нажосат ундан ўтиб, ташқарига чиқса, таҳорати кетади. *Валлоҳу аълам.*

Намоз асносида ажралма келиб қолишининг ҳукми

Савол: Намоз ўқиб турганда оқ суюқлик ажралса, намоз бузилади-ми?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, агар оқ суюқликнинг ранги ўзгарган бўлса, нажосатга айланган бўлади. Таҳоратни синдиради ва либосни нажосат қилади.

Агар ранги ўзгармаган бўлса, пок бўлади, таҳоратни бузмайди, либосни нопок қилмайди. У афв қилинган бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Таҳоратга қодир бўлмаганлиги сабабли намозни ўтказиб юборишининг ҳукми.

Савол: Макияж қилгандан кейин таҳорати синган, таҳорат қилишга имкон тополмаган, намоз вақти келиб қолган келиннинг ҳукми қандай бўлади?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, бундай ҳолатда намозни тарк қилиш узрли ҳисобланмайди ва намозни тарк қилишида улкан маъсият бор. *Валлоҳу аълам.*

Қўли очилиб қолган аёл намози ҳукми

Савол: Қўлимда муолажа учун ўрнатилган игна бор эди. Қўлим очиқ ҳолда намоз ўқидим. Ўқиган намозининг ҳукми қандай?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, зарурат юзасидан авратнинг баъзи қисми очиқ туриши билан намоз тўғри бўлади. *Валлоҳу аълам.*



Намозда тизза очилиб қолишининг ҳукми

Савол: Рукуъ пайтида кийим йиртилгани сабаб аврат кўриниб қолиши ҳаромми?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, тизза аврат ҳисобланади. Уни очиш харомдир. Лекин соннинг тўртдан биридан кам қисми очилиб қолса, намоз ботил бўлмайди. *Валлоҳу аълам.*

Аёлнинг тор кийимда намоз ўқишининг ҳукми

Савол: Аёл киши тор шим, тор кийимда ёки ичи кўринадиган кийимда намоз ўқишининг ҳукми қандай?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, бу макруҳи таҳримий бўлади. Аёл киши тор кийим билан намоз ўқиса, гуноҳкор бўлади. Агар кийим остидан бадан кўринадиган бўлса, унда намоз ботил бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Намозда аёл киши либосининг сифати

Савол: Аёлнинг шим кўриниб турадиган калта жакет билан намоз ўқи-

шининг ҳукми қандай?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, агар жакет тиззадан пастга тушиб турадиган бўлса, намоз кароҳатсиз жоиз бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Узун, аммо тор кийимда намоз ўқишининг ҳукми

Савол: Уйда узун, аммо тор кийимда намоз ўқишининг ҳукми қандай?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, ундай кийимда намоз ўқиш жоиз бўлади, аммо кенг бўлиши авло. *Валлоҳу аълам.*

Намоздан ташқарида аёл кишининг оёғи очилишининг ҳукми

Савол: Тўпикни ёпмайдиган калта этак тагидан тўпикдан пастининг шаклини шундай билинтириб турадиган, тери рангидаги пайпоқ кийиш жоизми?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, оёқнинг бу қисми аврат ҳисобланмайди ва унинг шаклини билдириб турадиган нарса фитнага олиб бормайди. Фитна

кўринишида бўлмасагина жоиз бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Намозда пешона очиқ бўлишининг ҳукми

Савол: Аёл кишига намозда пешонани очиш вожибми?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, аёл киши намозда сажда қилиш учун пешонасини очиши мустаҳабдир. Пешонанинг ёпиқ бўлиши авлоликка хилофдир. *Валлоҳу аълам.*

Намозда кийимни тескари кийишнинг ҳукми

Савол: Агар инсон билмасдан кийимини тескари кийиб олган бўлса ва шу ҳолда намоз ўқиса, бу намозининг ҳукми ўзгарадими?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, агар авратларини беркитиб турадиган бўлса, намози дуруст бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Аёл кишининг икки қўли намозда ёпиқ бўлишининг ҳукми

Савол: Аёл киши на-



мозда икки қўлини (кафт бўғинидан пастини) ёпишининг ҳукми қандай?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, қайтариқ бўлмагани учун намозда қўлнинг бу қисмини ёпиш мубоҳдир. *Валлоҳу аълам.*

Аврат аъзолари куйган аёлнинг зарурат юзасидан ўша аъзолари очиқ ҳолда ўқиган намозининг ҳукми

Савол: Бир аёлнинг соч, қулоқ ва бўйинлари куйиб қолди. Ўша аъзоларини очиб намоз ўқиса бўладими?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, агар ўша аъзоларини ёпиш имкони бўлмаса, зарурат юзасидан очиқ ҳолда намоз ўқиши жоиз. *Валлоҳу аълам.*

Аёл киши намозда оёғини ёпишининг ҳукми

Савол: Аёл киши намозда икки оёғини (тўпиқдан пастини) беркитмаса, намози ботил бўлиши тўғрими?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, икки оёқ(нинг тўпиқдан

пасти) намозда аврат эмас, у иккиси очиқ бўлса ҳам, намоз тўғри бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Аёл кишининг намози жоиз бўладиган кийимининг сифати

Савол: Кенг шим билан тиззани ёпиб турадиган пальтода намоз ўқиш жоизми?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, ундай кийимда аврат ёпиқ бўлгани учун намоз ўқиш жоиз бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Авратни беркитмайдиган кийим билан намоз ўқишнинг ҳукми

Савол: Аёл киши тиззани беркитмайдиган калта кийимда намоз ўқиши жоизми? Ёки узун кийим кийиши керакми?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, агар шимнинг устидан тиззани ёпиб турадиган куйлак кийса, жоиз. *Валлоҳу аълам.*

Аёл киши учун намоз кийимининг сифати

Савол: Намозда алоҳида намоз кийими кийиш шартми ёки жисмни

тўсиб турадиган ҳар қандай кийим бўлса жоиз бўлаверадими?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, шарт авратни тўсувчи бўлишидир, бундан бошқа шарти йўқ. *Валлоҳу аълам.*

Билаклари очиқ ёки калта кийимда намоз ўқишнинг ҳукми

Савол: Калта кийимда ёки билаклари очиқ ҳолда намоз ўқишнинг ҳукми қандай?

Жавоб: Аллоҳдан тавфиқ сўраб айтаманки, билак авратдандир. Ундан бир қисмини (номаҳрамлар олдида) очган киши гуноҳкор бўлади. Агар намозда билакнинг тўртдан бири бир тўлиқ рукн давомида очиқ турса, намози ботил бўлади. *Валлоҳу аълам.*

Халқаро Ислом илмлари университети Ҳанафий фикҳи факультети декани, доктор Салоҳ Муҳаммад Абул Ҳожнинг "Тақводорлар меърожи" (намозга оид саволларга ҳанафий мазҳаби бўйича жавоблар) китобидан Одинахон Муҳаммад Содиқ таржимаси



ҚУЛЛИК ЖАРИДАН ИМОМЛИК МЕҲРОБИГАЧА



Бану Қурайза қабиласида Салом ибн Жубайр деган яҳудий савдогар бор эди. У Шомга бориб, тижорат қилар эди. Салом ибн Жубайр тижорат сафарларидан бирида Шомдаги қул бозорида бир бечораҳол қулни кўриб қолиб, нархи жуда арзон бўлгани учун уни сотиб олди. Қулнинг исми Солим эди.

Салом ибн Жубайр Мадинага келиб, Солимни қул бозорига олиб чиқиб, олган нархининг устига бироз қўшиб, қимматроққа сотмоқчи бўлди. Лекин қулнинг озғин, нимжонлигини кўриб, уни ҳеч ким сотиб олмади. Салом ибн Жубайр хафа бўлиб, харидор чиқса, ҳеч бўлмаса олган нархига сотишга ҳам рози бўлди.

Бир куни Мадинанинг зодагон аёлларидан бири бўлмиш Сабита бозордан ўтиб кетаётиб, бир неча кундан бери бозорда оч-наҳор аҳволда турган Солимни кўриб қолди. Аёл зоти эмасми, бечораҳол қулга раҳми келиб, уни Салом ибн Жубайрдан сотиб олди. Уйига олиб бориб, ўз фарзандидек тарбия қила бошлади.

Йиллар ўтиб, Сабита хонимга қурайшлик Абу Ҳузайфа совчи қўйди. Сабитанинг ота-онаси қизини қурайшлик



савдогарга беришга рози бўлишди. Сабита эри Абу Ҳузайфа билан Маккага отланар экан, тутинган ўғли Солимни ҳам ўзи билан олиб кетди.

Абу Ҳузайфа Усмон розияллоҳу анхунинг дўсти эди. Усмон розияллоҳу анҳу дўсти билан учрашиб, унга мусулмон бўлганини, ягона илоҳга – Аллоҳга ибодат қилаётганини айтди, дўстини ҳам Исломга даъват қилди. Абу Ҳузайфа Усмон розияллоҳу анҳу билан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳузурларига боришди. Абу Ҳузайфа калимаи шаҳодатни айтиб, мусулмон бўлди. Абу Ҳузайфа уйга қайтгач, Сабита у зотни кутиб олиб: «Сизда ҳеч қачон кўрмаган бир нурни бугун кўриб турибман», деди. Абу Ҳузайфа завжасига бўлган воқеани айтиб берди, шундан сўнг Сабита ҳам Исломни қабул қилди.

Сабита Исломни қабул қилгач, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг таълимотларидан баҳраманд бўла бошлади. Бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қул озод қилишнинг жуда кўп фазилатларини

баён қилдилар. Сабита розияллоҳу анҳодан таъсирланиб, уйга келган заҳоти Солимни чақириб: «Сени Аллоҳ йўлида озод қилдим, энди сен ҳурсан, хоҳлаган жойингга боришинг мумкин», деди.

Солим бу сўзларни эшитиб, анчагача ўйланиб юрди. Унинг борадиган жойи йўқ эди. Абу Ҳузайфа бу ҳолатни кўриб, Солимга ачиниб, уни ўзига ўғил қилиб олди. Шундан кейин уни Солим ибн Ҳузайфа дейдиган бўлишди. Бу зот Исломни қабул қилиб, аксар вақтини Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг хизматларида ўтказа бошлади, Қуръонни ўргана бошлади.

Солим ибн Ҳузайфа Қуръонни шу даражада пухта ёд олдики, мусулмонлар ҳижрат қилиб, Мадинага борганларида одамларга имомлик қилиш учун Солим розияллоҳу анҳудан кўра Қуръонга моҳирроқ киши йўқ эди. Ривоят қилишларича, ҳатто Умар розияллоҳу анҳу ҳижрат қилиб келганидан кейин ҳам, у киши жамоатда бўлишларига қарамай, Мадинада мусулмонларга Солим розияллоҳу анҳу имомлик қилар эди.

Мадиналиклар Со-

лимнинг мусулмонларга имом бўлганини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолишди. Солимни Шомдан олиб келиб сотган Салом ибн Жубайр ҳам унинг мусулмонларга имомлик қилаётганини кўриб, даҳшатдан қотиб қолди. Салом ибн Жубайр уни бир кўришда таниди. Ахир бу ўша – арзиманган сариқ чақага Шомдан сотиб олган собиқ қули эди. Уни Мадинага олиб келиб, зўрға сотиб юборган эди. Энди эса у мусулмонларнинг имоми бўлибди!

Салом ибн Жубайрнинг ичига ғулғула тушиб, муҳожирлардан: «Қурайшнинг шунча киборлари туриб, нега манави собиқ қулни ўзларингга имом қилиб олдиларинг?» деб сўради. Жавоб ниҳоятда лўнда, тушунарли бўлди: «Чунки Солим Аллоҳнинг каломини, Қуръонни биздан яхшироқ билади».

Ҳа, Солимни хорлик жаридан азизлик меҳробига айнан илм етказди. Энди у ана шу илми туфайли мусулмонларнинг имоми, пешвоси бўлди. Унинг миллати, келиб чиқиши муҳим эмас, чунки энди унинг иймони ва чуқур илми бор.



Суннатга мувофиқ зийнатланиш



Узининг азиз китобида бандаларига: «**Эй Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатларингизни олинг**», деб хитоб қилган Аллоҳ азза ва жаллага битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.

«Қачонки, Аллоҳ сенга молу дунё берар экан, Аллоҳнинг сенга берган неъматининг ва икромининг асари кўринсин!»

деб марҳамат қилган Расулимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту дурудлар бўлсин.

Биз мусулмонлар ҳар бир ишда Аллоҳнинг амрига итоат қилиш учун аввало Қуръони каримга назар соламиз, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашишга интиламиз. Зийнат бобида ҳам Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мурожаат қиладиган бўлсак, бир қанча нарсаларни топамиз.

Шундан биринчиси ва энг муҳим бўлгани — покликдир. Шаръий, айниқса, фиқҳий китобларда зийнат ҳақида гап кетадиган бўлса, одатда покликдан бошланади. Бунинг ажабланадиган ери йўқ, зийнатнинг асли покликдир, поклик бўлмаса, ҳар қанча устига безанилса ҳам фойдаси йўқ. Маданият чўққисига чиққанликни даъво қилаётган ҳозирги баъзи халқларнинг хаёлига ювиниш келмаган, ҳаммом нималигини тасаввур қила олмаган бир даврда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларига поклик бобида ҳам гўзал намуна кўрсатдилар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «**Албатта Аллоҳ кўп тавба қилувчи ва покланувчиларни севади**», дейди. Эътибор берсак, покланувчилар дейиляпти, поклар эмас. Бундан покланишга интилувчи ва ҳаракат қилиб шунга эришувчилар назарда тутилгани аён бўлади.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Ўн нарса фитратдандир: мўйлабни



қайчилаш, соқолни ўстириш, мисвок, бурунга сув олиб тозалаш, тирноқларни қисқартиш, баданнинг букиладиган жойларини яхшилаб ювиш, қўлтиқни юлиш, қовуқни қириш, сув ила истинжо қилиш", Мисъаб: "Ўнинчисини унутдим, менимча, оғизни сув билан тозалаш бўлса керак", деди».

Диний китобларни мутолаа қилар эканмиз, қизини эрга бераётган она қизига насиҳат қилар экан, зийнатланиш воситаларининг энг афзали сув эканлигини уқтираётганини биламиз, бу билан она қизига доимо озода юриш керак эканлигини тайинлайди. Шунингдек, биз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хушбўйликни севганларини, унга доим тарғиб қилганларини, ўзлари ҳам доим уни ишлатганларини ва у зотнинг ўзлари ўта хушбўй бўлганларини биламиз. Бу ҳақида ривоятлар жуда кўпдир.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У киши хушбўй нарсани қайтармас эди ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хушбўй нарсани қайтармас эдилар, деган даъвони қилар эди».

Бешовлари ривоят қилган бошқа бир ривоятда: «Кимга хушбўй нарса тақдим қилин-

са, рад қилмасин, чунки унинг ҳиди хушбўйдир ва вазни енгилдир» дейилган.

Термизийнинг ривоятида: «Уч нарса қайтарилмас: болишлар, хушбўй нарса ва сут», дейилган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари билан танишар эканмиз, сочларини парвариш қилганлари, баъзида ҳинно билан бўяганлари, уни мойлаганларини ҳамда сочни парвариш қилишга буюрганларини билиб оламиз. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг сочи бўлса, уни икром қилсин», дейдилар, яъни парвариш қилиб яхши қарасин, деганларидир. Яна у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни сурма қўйишлари ҳам ворид бўлган.

Ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сурмадонлари бор эди, У зот ундан ухлашдан олдин ҳар бир кўзларига уч мартадан сурма сурар эдилар».

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга ҳам зийнат ҳақида кўп таълимотлар берганлар, У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайздан покланиб, ғул қилишда, аёлларга сув ила сидр ишлатишни,

мискланган пахталарни ишлатишни тавсия қилганлар. Сочларига безътибор бўлмасдан, вақти-вақти билан уларни парваришлаб, мойлашни, ҳиннолаш кераклигини ўқиттирганлар. Аёл кишини кўзида сурмасиз, қўлида ҳинносиз кўришни ёқтирмасликларини ҳам айтганлар.

Ҳар бир мусулмон ва муслима ибодат учун зийнатланиши зарурлиги, Аллоҳ азза ва жалланинг «Эй Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатларингизни олинг» деган хитобида таъкидланган. Эркаклар зийнатланишга кўпчилик билан жам бўлишда, жамоат ерларида ҳамманинг ўнгида ҳайъатлари гўзал бўлиб, кўпчиликка танглик келтирмаслик мақсадида урғу беришни доимо ёдда тутиши лозим. Шунинг учун биз аёллар доимо эркакларга уйдан чиқишларида Оиша онамиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зийнатланишларида ёрдам берганларидек, эркакларимизга ёрдамлашиб, зийнатланишни унутиб қўймасликлари пайдан бўлиб туришимиз керак. Лекин биз, аёлларнинг зийнати асосан эрлари учун бўлишини унутмаслигимиз лозим.

Одинахон

Муҳаммад Содиқ



Қалбга озор бермайдиган муҳаббат

Муҳаббат бу сўзнинг маъноси ва мазмуни жуда серқирра, ҳар бир инсон борки ҳаёти давомида бу туйғуни бир мартаба бўлса ҳам ҳис қилади, Муҳаббатни тасаввурри ҳаммада турлича. Бир инсоннинг муҳаббати бошқа бир инсоннинг муҳаббатидан фарқли бўлади, зеро, ҳар ким ўзгача суюди ва суюкли бўлади.


Бу дунёдаги ҳар қандай севги-муҳаббат инсонни қалбига озор

бериши мумкин, илло Аллоҳга ва Расулига бўлган муҳаббатгина озор бермайди, бу севги қалбнинг малҳами. Малҳам бўлганда ҳам энг оғриқсиз ва шифоси аниқ бўлган малҳамдир. Бу олий туйғу, баъзилар учун ҳаётининг мазмуни, бу дунёда яшаётганинг энг катта сабаби, ва яна баъзилар учун эса орзу, бир бора бўлса ҳам бу туйғуни ҳис қилган инсон уни дунёдаги ҳеч бир нарсага алишмайди....

Муҳаббат биринчи ўринда Аллоҳга ва Расулига бўлиши лозим, бошқа инсонларга бўлган муҳаббатни бу иккисидан устун қўйиш бу катта залолатдир.

Ҳар бир мусулмон эркак ва муслима аёлга Аллоҳ таолони яхши кўриш ва Расулуллоҳ алайҳиссаломни яхши кўриш фарз эканлигига ижмоъ қилинган.

Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ ўзла-





рининг нодир асарлари бўлмиш "Саҳиҳул Бухорий" асарларининг "Иймон" китобида "Пайғамбаримизга бўлган муҳаббат иймондандир", деб бир бобни номлаганлар ва қуйидаги ҳадисни келтирганлар. Расулulloҳ алайҳиссалом айтганлар: "Токи мени отангиздан ҳам, болангиздан ҳам, барча одамлардан ҳам яхшироқ кўрмас экансиз, бирортангиз мўмин бўла олмайсиз (иймонингиз мукамал бўлмайди)"

Расулulloҳ алайҳиссаломга муҳаббат тўғрисида буюк алломалар қуйидагича васфлар келтиришган:

"Муҳаббат – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга эргашишдир"
(Суфёни Саврий);

"Билгинки, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга муҳаббат – у зотга итоат қилишни хоҳлаш, у зотга шариатда, суннатда эргашиш ва муҳолиф қилишдан қўрқиш"
(Бадриддин Айний)

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга муҳаббат дунёда саодат келтиради, охиратда эса нажот беради.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга муҳаббат Аллоҳ таоло муҳаббатига дарвоза, эшиқдир. Саҳобалар, агар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам тўлин ой бўлсалар, саҳобалар тўлин ой, атрофидаги юлдузлардир, уларнинг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бўлган муҳаббати ва вафоси бошқа ҳеч бир инсонда йўқ, уларнинг вафолари ҳақидаги воқеалар билан танишсак, наҳот шунчалик севиш мумкин бўлса, деб бехосдан ўйланиб қоламиз, буни қарангки, мумкин экан, қачонки Маҳбуб бу оламлар сарвари ва Аллоҳнинг Ҳабиби бўлмиш Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бўлсалар, дунёдаги жамики инсонларни уларга бўлган муҳаббатлиги ёғилса ҳам уларнинг қадрлари ва шарафлари олдида бу жуда оз...

Кимки Аллоҳ ва Расулини муҳаббати билан ризқланса, энг буюк ва барокатли ризқ билан ризқланибди, зеро, Аллоҳ бандаларига берадиган ризқ фақат молу дунё ёки моддий нарсалар билан ўлчанмайди, балки севмоқ ва севишмоқ ҳам бу ризқ масаласидир, Аллоҳ барчамизни ризқимизни зиёдаси билан берсин.

Бир ҳақиқатни барчамиз эсда тутиб, асло унутмаслигимиз керак, сиздан ҳамма воз кечиб кетса ҳам, яқинларингиз ишонганларингиз сизни тарк этса ҳам, Аллоҳ ва унинг Расули ҳеч қачон сизни тарк этмайди. Муборак жонлари узилаётган пайтда ҳам умматим, умматим, деб вафот этдилар, бундан ортиқ садоқат бормикин, бу дунёда?! Асло! Бу дунёда бўлмаса ҳам, маҳшар майдонида ота-она ўз фарзандини, фарзанд ота-онасини, ака ўз жигарини унутиб қўйган пайтда, жамийки инсоният нафсим, нафсим, деб югуриб юрган пайтда бир инсон, фақатгина бир инсон, сиз ҳақингизда Аллоҳ таолога дуолар қилади ва сизни авф этишини ёлвориб сўрайдилар. Умматимдан энг сўнгиси жаннатга кирмагунча мен ҳам жаннатга кирмайман, деб айтишлари, мана шу асл муҳаббат, мана шу асл вафо ва садоқат. Демак, бизнинг ҳам муҳаббатимиз, вафойимиз ва садоқатимизга ҳаммадан ҳам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳақлироқ эканликларини унутмайлик. Аллоҳумма соллиъала Саййидина Муҳаммад

Муҳлиса Қосимова





Илм денгизи

Оиша онамиз розияллоху ан-хога нисбатан илм денгизи деган иборани ишлатсак бўлади-ми, деб бир оз ўйладик ҳам. Аммо бу ўйланиш, у киши бу номга лойиқ-милар ёки йўқми, деган маънода эмас, балки бу ном у кишига муносиб-микан, деган мулоҳаза ила бўлди. Охири Оиша онамиз розияллоху ан-хонинг илмнинг чексиз уммони Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг илмларидан сув ичганларининг эътиборидан бу истилоҳни сарлавҳа қилиб олдик.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, илм денгизи бўлиши учун фақат уммон ёнида бўлиш ёки ундан сув ичишнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки ўша илмни

қабул қилиб олиб, уни денгизга айлантириш қобилияти ҳам бўлиши зарур. Оиша онамиз розияллоху анҳода ана ўша шартларнинг ҳаммаси мавжуд эди.

Оиша онамиз розияллоху анҳо Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ёнларида бўлишлари билан бирга ёш, ўткир зеҳнли, кучли ҳофизали, юксак фаросатли ва илмга ўч зот эдилар. У киши Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламдан турли масалаларни сўраб чарчамас эдилар.

Оиша онамиз розияллоху анҳо Қуръони Каримни тўлиқ ва пухта ёд билганликлари билан шуҳрат топган эдилар. Улумул Қуръон номли илм мутахассислари би-

ринчи бўлиб, Қуръони Каримни тўлиқ ва пухта ёд олган зотлар ҳақида сўз юритганларида Оиша онамиз розияллоху ан-хонинг исмларини дастлабкилардан ёдга олишади.

Оиша онамиз розияллоху анҳо ўқиш-ёзишни биладиган нодир кишилардан эдилар. Ўша вақтда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан ким ўқиш-ёзишни билса, комил деган унвон берилар эди.

Кўплаб машҳур саҳоба эркаклар ўзлари ҳал қила олмаган масалаларни ҳал қилиб беришни Оиша онамиздан сўрашар эди.

Ҳазрати Оиша розияллоху анҳо тафсир, ҳадис, фикҳдан, араб тарихи ва



адабиётидан ҳамда бошқа ўша вақтда мавжуд кўплаб илмлардан яхши воқиф эдилар.

«Сияру Аълумун Нубалаа» китобида Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Оишага ҳамсухбат бўлдим. Ҳеч ҳам у кишига ўхшаган нозил бўлган оятни, меросни, суннатни, шеърни, ривоятни, арабларнинг кунларини, насабларини, ҳукмларни, тибни биладиган одамни кўрмадим. Мен ундан:

«Холажон, тибни қаердан ўргангансиз?» деб сўрадим.

«Бемор бўлсам, менга дорилар васф қилинар эди. Биров бемор бўлса, унга ҳам дорилар васф қилинар эди. Одамларнинг бир-бирларига қилаётган васфларини эшитиб, ёдлаб олар эдим», деди».

Имом Масруқ ибн ал-Аждаъ Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан энг кўп ривоят қилган кишилардан ҳисобланади. У кишидан:

«Оиша мерос илмини яхши билармиди?» деб сўралганда у киши:

«Аллоҳга қасамки, Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг катта саҳобаларини Оишадан мерос ҳақида сўраётганларини кўрганман», деган».

У киши замоналарининг улуғ донишмандларидан бўлиб, ҳатто Абу Бакр, Умар, Усмон даврларида таниқли саҳобалар ва олимларга дарс,

фатво берадиган даражада юксак салоҳият ва иқтидор соҳибаси эдилар.

Уламоларимиз саҳобалардан етти киши фатво билан ном чиқарганларини, улар: Оиша онамиз розияллоҳу анҳо, Умар ибн Хаттоб, Абдуллоҳ ибн Умар, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳум эканини алоҳда таъкидлашади.

Белозурий «Ансобул Ашроф» номли китобида Абдурроҳман ибн Қосимдан, у киши отасидан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Оиша розияллоҳу анҳо Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг халифалик даврида фатво ила машғул бўлган эди. У вафот этгунча шу ҳолда давом этди. Мен уни лозим тутганлардан эдим».

У киши уйда ва сафарда доимо Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга бўлганлари учун ва асҳоби киромдан кўпчиликка насиб этмаган диний аҳкомлардан воқиф бўлганлари сабабидан, энг етакчи саҳобалар ҳам ҳал этолмаган диний масалаларни ҳазрати Оишадан сўрашарди.

Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига келсак, Оиша онамиз ҳадисларни кўп ривоят қилишда иккинчи ўринда турадилар.

Оиша онамиз Расули Акрамдан 2210 та ҳадис

ривоят қилганлар ва бу соҳада Абу Хурайрадан сўнг турадилар.

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳодан асҳоб ва тобеъинлардан кўплари ҳадис нақл этишган. Аҳмад ибн Ханбалнинг «Муснад»ларида бундай ҳадислардан 2258 саҳифа тўлган.

Ҳазрати Оиша оталари Абу Бакр Сиддиқ Умар Саъд ибн Абу Ваққос, Усайд ибн Хузайр ва бошқалардан ҳам ривоят қиладилар. Аммо Оиша розияллоҳу анҳодан аксар саҳобалар кўплаб ҳадис ривоят қилишган. Шулардан Абу Хурайра, Абу Мусо ал-Ашъарий, Зайд ибн Холид ал-Жухалий ва София бинти Шайба розияллоҳу анҳумни зикр қилишимиз мумкин.

Тобеъинлардан икки юзга яқин киши Оиша онамиздан ҳадис ривоят қилишган. Шулардан Саъид ибн ал-Мусайиб, Алқама ибн Қайс, Масруқ ибн Аждаъ, Оиша бинти Талҳа, Амра бинти Абдурахмон, Ҳамса бинти Сийрин ва бошқаларни айтишимиз мумкин.

Оиша онамиз кўпгина нодир фазилатларга эга эдилар. У киши жуда ақлли ва зеҳни ўткир, илмли аёл эдилар. Оиша онамиз тилни, шеърни, тиб фанини, насаблар ва уруш тарихларини яхши билар эдилар.

Аз-Зухрий Оиша онамиз ҳақларида айтадилар: «Агар Расулуллоҳнинг



барча аёлларининг илмини ва жамики аёлларнинг илмини тўплаб туриб, Оишанинг илмига солиштирилса, албатта, Оишанинг илми афзалдур».

Оиша онамизнинг илмлари тўғрисида Урва: «Тиб фанида, шеъриятда ва фикҳ илмида Оишадан илмлироқ бирор кишини кўрмадим», дедилар.

Оиша онамиз аҳён-аҳёнда ёлғиз ўзлари баъзи бир масалаларни ҳал этар ва ўзларига хос ижтиҳод қилар эдилар. Гоҳида у киши уламо саҳобалар билмай қолган масалаларни ҳам ҳал этиб берар эдилар.

Ҳатто, аз-Заркаший шу маънода китоб ёзди ва уни «Оишанинг саҳобалар билмаганини идрок этган жавоблари» деб номлади.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ўзлари катта олима бўлишлари билан бирга илм одобига қаттиқ риоя қилар эдилар. У киши бирор масалани ўзларидан яхши биладиган одамдан хабардор бўлсалар, мазкур масалани ўша кишига ҳавола қилар эдилар.

Муслим ва Насай Шурайх ибн Ҳонеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Оишадан махсига масҳ тортиш ҳақида сўрадим. У киши:

«Сен Ибн Абу Толибдан сўра, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-

саллам билан бирга сафар қилар эди», дедилар.

Бас, ундан сўраган эдик:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусофир учун уч кечаю уч кундуз, муқим учун бир кечаю, бир кундуз қилганлар», деди.

Саҳобаи киромларнинг одатларига амал қилиб, Шурайх ибн Ҳонеъ розияллоҳу анҳу ҳам Оиша онамиздан фикҳий масала-махсига масҳ тортишга оид масалани сўраган эканлар. Оиша онамиз у кишига:

«Сен Ибн Абу Толибдан сўра, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафар қилар эди», дедилар.

Бу жавобдан, энг аввало, Оиша онамизнинг омонатлари, инсофлари ва илмий омонатга хиёнат қилмасликлари зоҳир бўлмоқда. У киши ўзлари аниқ билмаган нарсага жавоб беришни ўзларига эп кўрмаганлар. Сўровчини ўша масалани яхши биладиган киши-ҳазрати Алига йўлаб қўйганлар.

Иккинчидан, Пайғамбаримиз махсини кўпроқ сафарда кийганлари келиб чиқади. Оиша онамизнинг «Ибн Абу Толибдан сўра, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафар қилар эди», деганларидан шу нарса фаҳмланади.



Болангизга биринчи ўргатадиган сўзингиз "Аллоҳ" бўлсин. Биринчи гапингиз эса "Лаа илаҳа иллаллоҳ" бўлсин. Боланинг топ-тоза зеҳни тавҳид калимаси билан озуқалансин. Йиллар ўтса ҳам тавҳиднинг изи кўринади. Уни ёмон сўздан ва улфатдан оловдан асрагандек асранг!!!



Кишининг Исломи қачон гўзал бўлади?

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَعْنِيهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ فِي الرَّهْدِ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Киши Исломининг ҳусни беҳуда нарсаларни тарк қилишидадир», дедилар».

Термизий «Зухд»да ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадис ҳам Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинмоқда.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам киши Исломининг ҳусни ҳақида, чиройли бўлиши ҳақида сўз юритмоқдалар. Шариятда «фалончининг Исломи ҳуснли, чиройли бўлди» деган ибора, фалончи Исломга ичидан ҳам, ташидан ҳам, ҳақиқий равишда кирди, деган маънони ифода қилади.

Ибн Баттоий: «Фалончининг Исломи ҳуснли бўлди» дегани «Эҳсон ҳадиси, яъни «Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб турганидек ибодат қилишинг», деган ҳадис билан шарҳ қилинади», дейди.

Демак, кишининг Исломи ҳуснли бўлиши ҳам, ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин экан. Унинг қандай бўлиши эса Исломдаги кишининг ўзига боғлиқ. Агар инсон ўзи учун беҳуда бўлган нарсаларни тарк қилса, бу унинг Исломи ҳуснли бўлганига далил экан. Чунки бу ишни фақат ҳақиқий мусулмон одамгина амалга оширади. Чин мусулмон одам ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасига ўта жиддийлик билан қарайди. қиёматда ана шу ҳар бир лаҳза

учун ҳисоб-китоб, савол-жавоб бўлишини зинҳор унутмайди. Чин мусулмон одам беҳуда сарфланган вақт, молу дунё, соғлиқ, куч-қувват, имконият ва бошқа нарсалар учун қиёмат куни жавоб беришини тўла ҳис қилиб яшайди. Шунинг учун у беҳуда нарсага умуман яқинлашмайди. Бу эса ўз навбатида унинг Исломининг ҳусни бўлади.

Чин мусулмон бўлишни ўйлаган одам беҳуда, фойдасиз ва маъносиз нарсаларга ўзини урмайди. Ундай нарсаларни эса пасткаш кишилар қиладилар. Мусулмонлик эса олий шарафдир, юқори мартаба ва юксак мақомдир. Ҳар биримиз Исломимизнинг ҳуснли бўлиши учун уринайлик, беҳуда нарсаларни тарк қилайлик.





Тўфон

"Чўкаётган кемадан эр ва хотин бир амаллаб сузиб, қутқарув қайиқчасига етиб келишибди. Афсуски қутқарув қайиқчасига фақат бир киши сиғар экан. Эри қайиқча чиқиб, хотинини океан ўртасида, мутлақ ўлимга қолдирибди. Хотини сузиб бораётган қайиқ ортидан ўзини охириги сўзини хайқирибди. Хўш, болажонлар, сизнингча хотин нима деб хайқирган?" деб сўрабди ўқитувчи ўқувчилардан. Болалар бири-бирига гап бермай, "Сендан нафратланаман!", "Кўзларим кўр экан" ва шунга ўхшаган гапларни айта бошлашибди. Синфда фақатгина бир бола жим ўтирган экан. Уқитувчи уни олдига келиб: "Сен нима деб ўйлайсан, у нима деган?" деб сўрабди.

– Менимча, у: "Боламизни эҳтиёт қил!" деган.

– Сен бу ҳикояни биласанми? – деб сўради ўқитувчи.

– Йўқ, лекин онам ҳам

ўлими олдидан отамга худди шундай деган, – деди бола.

– Тўғри!

Ўқитувчи кўзёшларини базўр яшириб, ҳикояни давом эттирди.

"Шундай қилиб эркак уйига етиб олиб, қизига ғамхўрлик қилади. Анча йиллар ўтиб, вафотидан сўнг қизи уни шахсий буюмларини йиғиштираётиб отасини кундалигини топиб олиб, у ердаги ёзувга кўзи тушади: "Хотиним билан сафарга чиқишимиздан олдин унга оғир касаллик ташхиси қўйилди. Умрини сўнгги кунлари эди. Қани энди уни ўрнида бўлиб

қолиб, океанда мен ғарқ бўлсайдим... Лекин қизимиз учун мен ундай қилолмадим, хотинимни океан ўртасида қолдира олдим, холос...".

Шу билан ҳикоя тугади. Синфга сукунат чўкди. Ўқитувчи болаларни кўзига қараб, бу ҳикоя уларни қанчалик таъсирлантирганини кўриб турарди. Доим ҳам яхшиликдек кўринган иш аслидагидек бўлмайди, ёки аксинча ёмон деб ўйлаган ишимизни таги яхшилик бўлиб чиқиши мумкин.

Иван Айвазовский
Ақида Хоним
таржимаси



ЎЛИМ БИЛАН ИФТОР ҚИЛ...

Нафс руҳ хоҳламаган нарсани орзу қилади. Руҳ эса нафс хоҳламаган нарсаларни орзу қилади. Руҳимизнинг истакларига кучли ирода қўшилса, Аллоҳга янада яқинлашамиз. Нафс истакларига кучли ирода қўшилса, қалб муҳрланишига қадар олиб келади.

Сизга қорнимизнинг эшикларини таништирмақчиман: ейиш-ичишда озига қаноат қилган шундай инсонлар борки, юзларидаги порлаб турган қиличдан уларни таниш мумкин. Ҳазрати Али розияллоҳу анху

айтганидек: "Қаноат – қиличдир. У чопиб ташлай олмайдиған ҳеч нима йўқ!"

Оз еган, оз ичган, оз ухлаган инсон малакларга ўхшаб қолади. Оз еган инсон оз емоқнинг фойдасини қалбининг юмшаганидан билса бўлади. Ғояси қорин шишириш бўлганларнинг само аҳлининг назарида ҳеч қандай қадри йўқ. Оз ейиш – тиб ва зуҳднинг ўзгинасидир.

Қоринларида ички оташи борки, ичкарига кирган ҳамма нарсани ёқиб, қовуради. Жаҳаннамда еттита эшик бўлга-

ни каби қоринларда ҳам еттита эшик бордир:

1. Ҳирс эшиги.
2. Чақимчилик эшиги.
3. Тўхтовсиз очиқиш эшиги.
4. Хатоларни кўрмаслик эшиги.
5. Ҳаромга қизиқиш эшиги.
6. Ғийбат эшиги.
7. Ахлоқсизлик эшиги.

Булар жасадни жаҳаннам эшикларига етаклаб келади. Имом Ғаззолий раҳимахуллоҳ "Оламларнинг сири" номли китобида ёзади: "Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедики: "Қорнини ҳаром билан



шиширган кишининг жойи ҳеч шубҳа йўққи жаҳаннамдадир".

Биз намоз ўқиётганимизда гуноҳларимиз қаерда тутиб турилади? Гуноҳлар бўйни-мизда ва елкаларимизда тутилади. Рукуъ ва саждага эгилганимизда дарахтнинг барглари тўкилгани каби гуноҳларимиз ҳам тўкилади. Шундай экан, узоқ-узоқ сажда ва рукуъ қилинг. Бунини мен эмас Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: "Мўмин намозга турганида унинг гуноҳлари бошининг устига қўйилади. Намозда улар хурмо дарахтининг япроқлари шамолда соврулиб тўкилгани каби тўкилади" (*Табароний ривояти, "Ал-кабир шамила", 6-жилд, 44-бет*).

Илм билан бирга бўлган кишини ёлғизлик зериктира олмайди. Китоблардан тасалли олган киши маҳзун бўлмайди. Қуръон ўқишни одат қилганни дўстларидан узоқ бўлишлик хафа қила олмайди.

Оғзимиздан чиққан сўз вужуд кияди. Бу нима дегани? Қўлимизга пул тушганида: "Аллоҳим, бу пулга Халил Иброҳим барокатини бер десак, демак, у сўз барокат кийди. Агар уфф, уч кунда тугайди бу пул десак, уч кунда тугайди. Вужуд кийган ҳар бир иш бизнинг малакамизга айланади. Ё яхши, ё ёмон. Унинг фоили, албатта, ўзимиз. Шунинг учун малака сўзи ва малак сўзи бир хилдир.

Яшаш – бир санъат. Дунё бир тоққа ўхшайди, унга нима деб бақирсанг, жавоби акс садо бўлиб ўзинга қайтиб келади. Муҳаммадий ахлоққа эришмаган ҳеч кимда ҳузур ва ҳаловат бўлмайди. Унинг изидан юрмаган ҳеч ким ҳақиқий масъудликни топа олмайди. Бўлса, кўрсатинг – биз ҳам кўрайлик. Суннат ахлоқи бўлмаган бир киши сизга бахтлиман деяётган бўлса, билингки, у ёлғончи. Бахт Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ахлоқидадир.

Салама ибн Динор раҳматуллоҳи алайҳ: "Дунёда шундай рўза тутки, охирги ифторинг ўлим бўлсин!" дейди "Зоҳидларнинг суфраси" номли китобда. Яъни ўлим сени эмас, сен ўлимни ич! Ифторда сув ўрнига ўлим ич!

Марзия Сайдам ёзди.

Севги илоҳий ризқдир. Мана шу ризқни зиёда қиладиган ишлар ва сўзларни ҳаётингизга олиб кириш. Ҳаёти беринг, табассум қилинг. Кўп салом беринг, мулоҳим гаплар гапиринг. Хусусан, бу ишларда Аллоҳнинг розилигини кўзланг. Шунда дунё ва охират сармосини кўлга киритган бўласиз. Аёл ҳам эри сари талпинади, эр ҳам қалбини берган аёли томон ошиқади.

Шайх Юсуф Хаттор Муҳаммад
«Оила – саодат маскани»





Илми келин керакми?



Гулноза Одилова,

филология фанлари доктори, доцент, Тошкент шаҳридаги YEOJU техника институти профессори, "Yummy tour travel" компанияси директори, Ўзбекистон гастронимик туризми ассоцияцияси раисаси

– **Ассалому алайкум Гулноза опа. Авваламбор, ўзингиз ва фаолиятингиз ҳақида яқинроқ таништириб ўтсангиз.**

– Ёшлигимдан отаонам ва раҳматли бобом бизни илмга олишга рағбатлантиришган. Бобом она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлган, шу билан бирга, диний илмлари ҳам жуда яхши бўлган. 1-2-синфлигимда бобом Қуръон оятлари ва Алишер Навоий ғазалларини араб тилида ёзиб деворга ёпиштириб

қўядилар. Уларни ёдлаганим учун эса менга пул берардилар. Кейин менга буларни маъносини ҳам тушунтириб берардилар. Чунки маъносини тушуниб ёдлаш ёш болага осон кечади. Айниқса, бобом мени Навоий ижодига қизиқтирганлар, "Фарҳод ва Ширин" достонини бошидан охиригача айтиб бериб, ундан парчаларни ёзиб деворларга ёпиштириб қўядилар. У қоғозлар ҳар доим худди афишага ўхшаб алмашиб турарди.

Таътил пайтида кутуб-

хона бир ҳафтага битта одамга 5 тадан кўп китоб бермасди. Шунинг учун мен тўртта дугонамни олиб бориб, уларга ҳам китоб ёздирардим ва улар китобларни менга ташлаб кетишарди. "Нима қиласан шунча китобни?" деб кўп айтишарди. Мен бир ҳафта ичида шу ҳамма китобни ўқиб чиқишга ҳаракат қилардим. Ёшлиқдан кўп китоб ўқиш онгни ўстиради. Кейинчалик университетга кирганимда инглиз тилини ўқишни танладим, мумтоз асар-





ларга, масалан, Шекспирнинг асарларини ўзбекчага, Навоий асарларини инглизчага қандай таржима қилинишига қизиқдим.

Илмий ишимни бошладим, мақолалар ёздим ва бу муваффақиятли бўлди. Алишер Навоий стипендиясига ҳам сазовор бўлдим. Кейинчалик магистратурада ўқидим ва бу мавзуни номзодлик даражасигача олиб чиқдим.

– Илмий фаолиятингиз ва оилангизни бирдек олиб кетиш қийин бўлмаганми? Қандайдир тўсиқлар ва қийинчиликларга дуч келганмисиз?

– Мен 19 ёшимда турмушга чиққанман ва ўша пайтда энди учинчи босқични тугатаётган эдим. Тўйдан олдин менга совчи бўлиб келган инсонга илмий фаолиятга қизиқишимни, бунга жиддий қарашимни айтганмиз, тушунтирганмиз. Турмуш ўртоғим ўқитишга ваъда берганлар ва уларга турмушга чиққанман. Ўшанда у кишига менинг ниятим катта, номзодликдан кейин докторликни ҳам ёқламоқчиман, деганман, улар рози бўлган. Гарчи у киши илмий фаолиятга рухсат беришса ҳам, янги келинман, келинлик вазифаларим бор, уларни қилишим керак. Келин бўлиб тушган

жойим ҳовли эди, рўзгор кетта эди, шунга қарамасдан ҳаммасига улгуришга ҳаракат қилганман.

Фарзандли бўлганимда қийинчиликлар кўп бўлган. Айниқса иккинчи фарзандим туғилиш арафасида номзодлик диссертациямни кичик ҳимоясини ўтказганман. Ўша фарзандим бир ярим ёш бўлганда номзодлик диссертациямни ёқлаганман. Ўша пайтлар иккита фарзанд билан жуда қийин бўлган, лекин ҳеч қачон ташламайман, деганман.

Болаларимга ҳам вақт ажратганман, боғчадан кейин хорижий тилларни ўргатганман. Қайнонам ҳам тушунган, иложи борица ҳамма ишларга улгуришга ҳаркат қилганман. Одамни ўзига боғлиқда, баъзи қизларнинг илмий потенциали кучли бўлади. Оила қургандан кейин ўқиши тушиб кетади. Ундан сабабини сўрасам, қайнонаси қўймаслигини айтади. Кейин мен уларга шароитни ўзига ўзи яратиши кераклигини айтаман. Агар одам ростдам ҳам мақсадига эришмоқчи бўлса, албатта, иложини топади.

Қизларнинг кўпида орзу бор, ўшани мақсадга айлантурса, қайнонасим ёки бошқа, уларга тўсқинлик қилолмайди, иштиёқ баланд бўлиши керак.

– Тўғри, иштиёқ баланд бўлади, лекин чарчашни қандай қилиб енгиш мумкин. Сиз шундай пайтларда нималар қилгансиз?

– Мен ўша пайт чарчоқни ҳис қилмаганман, менимча. Ҳозир 38 ёшга кирганимда чарчоқларни ҳис қиляпман. Олдин унақа бўлмаган, илмий ишимни ва уй ишларини бирдек олиб кетишни биринчи ўринга қўйганман. Дарсларимни қолдириб ухласам бўларди, аммо ундай қилмаганман. Ҳар хил маросим, йиғинларга ҳам бормаганман. Ойим келиб: “Юринг, бориб келайлик, нега катта келинлигини олиб келмайсиз, дейишмоқда” десалар ҳам ишларим, дарсларим борлигини айтардим. Шунанга кезларда ойим мени тушунардилар.

– Биламизки, ҳозир бирқанча йўналишларда ўз фаолиятингиз бор. Гастрономик ассоциация раисаси, кафедра мудири, шу билан бирга, алоҳида курсингиз ҳам бор. Шунча ишга қандай улгурасиз? Кун тартибингиз қандай?

– Ҳозирда соғлигимга, болаларимга кўпроқ вақт ажратаман, 15 йилдан бери дарс бериб келаётган бўлсам, барчаси ёд бўлиб кетган тўғриси. Шунга қарамасдан



илм олишга вақт ажратаман. Масалан, "Goggle Scholar"дан ўзимнинг соҳамга оид мақолаларни ўқиб тураман. Чунки илм олиш, илм бериш, илм ўрганишни тўхтатиб бўлмайди. Сабаби ҳар доим илмда янгилик бўлади, у билан бирга юриш керак, ортида қолиб бўлмайди.

– Ҳозирги талабаларни сиздек натижаларга эришиши учун қандай методикаларни қўллаш керак? Кўпроқ эркинлик бериш керакми?

– Мен ишлайдиган УЕОЈУ техника университетиде бакалавр босқичида илмий ишлар методологияси деган фан бор. Бизда бу фан магистратураларда бор холос. Буни қўшиш керак десак ҳам энди кеч. Чунки хорижда буни мактабдан бошлаб ўргатишади. Бизда ўқитувчи гапириб беради, кейин ўқувчи эртасига худди шундай қилиб ҳеч нарса қўшмасдан қайтариб беради. Бу билан илмий фаолият кўникмаси шаклланмайди. Талаба мавзунини ўзи изланиб, ўрганиб гапириб бериши керак, устоз эса уни текшириб, тўғрилаб, тушунмаган жойини тушунтириб бериши керак. Мен ҳам дарсимда бошқача ёндашув қилишга ҳаракат қиламан. Бошқа янги манбалардан ўрга-

ниб, янгилик қўшиб келсангиз, баҳойингизни кўтариб бераман, деганимдан сўнг ўзгариш бўлди, ҳаракат қила бошлашди. Илмий фаолият методологияси фанини ҳам ўтишга ҳаракат қилдим. Бошида қийин бўлди болаларга, фаннинг охирида мақола ёза оладиган бўлишди. Яна мавзуларни гапириб беришдан ташқари журналларда мақоласи чиқсагина баҳо қўяман, дедим, мақолалари ҳам чиқди.

Илмий ёндашув қандай бўлишини ҳам ўргатиш керак. Илмий ёндашув бу диссертацияни қандай ёклаш эмас, бирор муаммога қандай қилиб ечим топишдир. Масалан, ёш болаларга азон қатлами нимага емирилиши ҳақида презентация қилишни берсак, манба сифатида энциклопедиялар, сайтларни бериб шу бўйича изланиб кел, десак, бўлади, битта қоғоздаги табиат ҳодисаларини ёдлаб кел, дейишдан кўра.

Магистрлар ҳозир шундай ишлар қилишга қийналишмоқда. Нимага? Чунки уларга бунақа кўникмалар ўтилмаган. Ўзбек ва хориж илмий ишларини таққослаймиз, шундай ҳам кўринмоқда, айни вақтда аста-секин бизнинг ўқувчилар ҳам ўша даражага чиқиб бормоқда. Аммо ҳали

ҳам паст даражадаги илмий ишлар ёқланмоқда. Илмий ишда камида битта яхши илмий янгилик бўлиши керак.

– Бўлажак қайноналар келинликка ўқимаган қиз излашлари ёки қиз ўқиётган бўлса-да, ўқишини тўхтатишига мажбур қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

– Ҳаммининг ўзини дунёқараши бор. Кимгадир уй ишларини яхши қиладиган келин керак бўлса, кимгадир ўқиган, илмли келин керак.

Қайноналарга уй ишларини эплайдиган келин керак бўлса, нега илмий иш қиладиган қизни олдига боришади? Ундан кўра ўша ҳунарли, уй ишларини яхши қиладиган қизларни олдига боришсин. Илмли қизни келин қилиб олишади-да, кейин имконият қилиб беришмайди. Ахир ота-онаси ҳам унинг илмига инвестиция қилишган, курслар ҳам ҳозирда арзон эмас. Шу билан бирга, илм олиш ҳар бир муслмон ва муслима учун фарз ҳисобланади.

Агар биз жамиятда фақат эркаклар илмли бўлиши керак десак, эртага қизларга ким таълим беради? Ҳеч бўлмаса 80 нафари уйда ўтиришса, 10 нафари илм билан шуғуллансин. Ҳозирда қизлар ҳам яхши ихтиро-



лар қилишмоқди, мақолалари дунё бўйлаб чоп этилмоқда.

Бир куни олдимга битта қайнона келиб: «Бюджетда ўқийдиган, оқ-сарикдан келган, бўйи 1.75 см, 3-4 та тил биладиган келин керак», деди. Мен: «Нима қиласиз, магистратурада ўқитасизми?» десам, «Йўқ, набираларимга инглиз тилини ўргатади», деди. У аёлнинг гапи бўйича, «почемучка»си текин бўлармиш! Ниятни қаранг-да, қизни ота-онаси шу мақсадда ўқитмайдику! «Бунақа ниятингиз бўлса, ана хунарли, ўқимаган қизни олинг, бу қизлар ўқишга шўнғиб кетишган», дедим.

Статистикага қарайдиган бўлсак, олдин аёллар номзодликкача етиб борардию, лекин докторлик ишида эркалар билан фарқи катта бўларди. Ҳозир эса эркак ва аёл орасидаги фарқлар камайиб, ҳатто тенглашиб бормоқда. Яъни қизлар ҳам илмга яхши эътибор беришмоқда.

– Сиз яхши, ўқишли, илмли аёлсиз, шу билан бирга, сизни яхши пазанда ҳам дейиш мумкинми?

– Мен ўзи гастрономил туризм ассоциацияси раисасиман ва докторлик ишим ҳам таом дискурси ҳақида бўлган. Па-

зандаликка қизиққаним учун, овқат рецептлари, тайёрланиши жараёни қандай бўлишига қизиқиб, 2014 йилда Италияда таом ва маданият халқаро конференциясида қатнашганимдан кейин докторлик ишим мавзусини шу соҳага ўзгартирганман.

Ўзбек таомларининг рецепти, тайёрланиш жараёни назарияси бор. Шундан келиб чиқиб докторлик диссертациямда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси билан ҳамкорликда «Лаззатли Ўзбекистон» деган энциклопедик китобни яратдик. 200 дан ортиқ ўзбек миллий таомларини ўзбек, рус, инглиз тилида рецептларини қайтадан хорижликлар учун ҳам тушунарли қилиб тузиб чиқдик ва уларда қанча калория борлигини ҳам ҳисоблаб ёзиб чиқдик. Бундан ташқари ўзбек, рус ва инглиз тилларида таом терминлари луғатини ҳам яратдик. Бу луғатни Плай Маркет дастуридан қидирсангиз, топа оласиз.


Пазандаликка ёшлигимдан қизиқаман, ҳам қашқадарёлик бўлганим учун гўштли овқатларни яхши тайёрлайман. Ширинликларни зўр қилолмасам-да, салатлар, миллий ва хорижий таомларни қилишни яхши

кўраман. Ошхонага кирсам, ишга берилиб кетиб, овқатларни ҳам санъат даражасида қилишга ҳаракат қиламан.

Энциклопедиямиз сайёҳлар томонидан жуда яхши қабул қилинди. Чунки олдин бундай нарса бўлмаган, оддийгина таржима қилиб қўйишган. Лекин буни биз тушунишимиз мумкин, хорижликлар эса тушунмайди, тайёрлай олмайди. Масалан, чучвара ёки манти қилишда қиймани олиб хамирга букиб ташланади, деб ёзилган аввалги баъзи китобларда. Буни эса биздан бошқа одам тушунмайди. Шунинг учун буни тўғри кетма кетликда назарий асосларни келтириб, ошпазлар билан ёзиб хорижий тилларга таржима қилдик. Олдин бунақа рецептлар учун лингвистик аппарат бўлмаган, биз шуни яратдик.

Бу китобни ошпазлар уюшмаси орқали олса бўлади. Айниқса хорижга кетаётганда, жуда яхши совға бўлади.

«Ўзбек нонуштаси» деган китоб тайёрладик. Биламиз, кўплаб миллатларнинг ўзининг нонуштаси бор. Масалан, турк нонуштаси десак, кўз олдимизга зайтун, бардак чой, пишлоқ, манемен деган овқатлари келади, франсуз нонуштасида





эса курасан, кофе. Биз ҳам ўзбек нонуштасини шунақа бренд даражасга олиб чиқиш учун ошпазлар уюшмаси билан шу китобни яратдик.

Бизнинг нонуштамиз ҳам жуда рангбаранг, жуда фойдали. Лекин шунақа бўлса ҳам чет элдан меҳмон келса, унга колбаса, зайтун, пишлоқ берамиз, яна сифати пастини берамиз. Улар эса шу маҳсулотлар конидан келади, энг зўрларини ўзининг юртида ҳар куни ейди. Худди биз бошқа жойга борсак, консервадан ошни очиб берганда қандай ҳолга тушсак, улар ҳам шундай ҳолатга тушишади.

Сайёҳлар аслида юртимизга келишганда ўзбек миллий таомларни ейишни хоҳлайди, лекин биз ўзларининг таомлари билан лол қолдиришга ҳаракат қиламиз. Шундай бўлмаслик учун мана шу китобимизда нонушта учун мўлжалланган барча маҳсулот, ширинликларни рўйхати, рецепти, қандай тақдим этиш усулларин ва шу каби маълумотларни инглиз тилидаги таржимаси билан биргаликда киритганмиз.

– **Фаолиятингиз давомида афсусланган пайтларингиз ҳам бўлганми? Хато қилган пайтларингизми? Шу-**



лар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак.

– Хато кўпинча яхши билмаган одамингизга ишониб кўйишдан келиб чиқади. Шу сабабдан ҳам Аллоҳдан бошқасига ишонмаслик керак. Бирор танишингизга муаммоларингизни, сирларингизни айтиб, шу инсон ёрдам беради деб ўйлайсиз. Аммо унинг бу вазиятингиздан фойдаланиб, сизга зарар берадиган ҳоллари кўпроқ бўлади. Мен қачон хато қилган бўлсам, шу сабабдан ўзимга яқин олиб юборганим орқасидан панд еганман. Шунинг учун одамнинг ташқи кўринишига қараб баҳо бериб бўлмайди.

– **Ҳаётингиз давомида сизни ҳайрон қолдирган, эсда қоларли вазиятлар бўлганми?**

– Бунақа воқеалар кўп бўлган. Биттасини айтиб берадиган бўлсам. Рамазон ойида... Аёл бошим билан дунёвий илмлар бўйича шунча иш қилдим, китоблар, мақолалар ёздим. Лекин диний йўналишда бирон иш қилмадим, дедим. Кейин шундай фикр келди: ҳақиқий илмли қизлар бўлса, шуларга диссертация ёқлашга, илмий ишлар қилишга ёрдам берсам... Мана шу фикримни амалга ошириши учун “Bintu Sodik” каналининг админига хат ёздим. Шу тариқа канал раҳбари, устоза Одинахон Мухаммад Содик билан учрашдим. Устоза хурсанд бўлиб, қабул қилдилар. Хайрли дуолар қилдилар. Дуолари барокатидан курсимнинг модулларини ишлаб чиқиб, иш ҳам бошладим.

– **Жудаям фойдали, манфаатли бўлган ғояларни илгари сургансиз, курсингизни фаолиятига омад тилаймиз. Ишларингизда муваффақият тилаймиз. Аллоҳ хайрли қилсин. Суҳбат учун каттакон раҳмат.**

Ҳурзода Назарова
суҳбатлашди





Ажрашдингизми?

Энди сизни ва болаларингизни ким боқади?

Арзимаган сабаблар туфайли ажралиб кетаётган оилалар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Энг ачинарлиси, ажримдан сўнг оталар ўз фарзандларини таъминлашдан бош тортмоқда. Аёллар эса нафақат фарзандини, балки ўз-ўзларини ҳам таъминлай олмаяпти. Хўш, ажримдан сўнг аёллар ва болаларни таъминлаш аслида кимнинг зиммасида? Биз бугунги суҳбатимиз орқали ушбу саволга ҳуқуқий ҳамда диний томондан жавоб оламиз.

Ҳуқуқий томондан саволларга жавобларни юрист Ҳасан Мамаюсов берди.

– Айтингчи, ажримдан сўнг аёл ва унинг фарзандини таъминлаш кимнинг зиммасида бўлади? Агар ота фарзандига алимент тўламаса, бундай шахсга қандай чора кўрилади?

– “Эр-хотин ажрашганидан кейин қонуний

никоҳ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, фарзандлар онада қоладиган тақдирда ота вояга етмаган болаларига, “Оила кодекси”нинг 96-моддасига мувофиқ, таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган отадан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади. Ота ўз фарзандларини 18 ёшга тўлгунича моддий таъминлаши керак, яъни алимент тўлаши шарт. Ундан кейин алимент тўламайди, лекин “Оила кодекси”нинг 103-моддасига кўра, ота фавқулодда ҳолатларда (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши талаб этилади. Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган отадан суд унинг

оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Бундан ташқари бола 18 ёшга тўлганидан кейин ҳам она боланинг ўқиши ёки тўй харажатлари учун отани жалб қилиши мумкин.

Алимент тўлаш тартибига келадиган бўлсак, “Оила кодекси”нинг 99-моддасида ёзиб қўйилганки, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан отанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми; икки бола учун – учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдоридан ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий



ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Агарда ота ўз мажбуриятини бажармаса, яъни фарзандини 2 ойдан ошиқ муддат давомида моддий таъминламаса, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 47-бўлим 4-моддасига мувофиқ, ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олинадиган ёки маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солинадиган. Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади. Агарда шу тартибдаги жазо тури ота-онадан бирига қўлланилса, ундан кейин ҳам ўз мажбуриятини бажармасалар, "Жиноят кодекси"нинг 122-моддасига мувофиқ, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача

озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бундан хулоса шуки, отанинг ўз фарзандини таъминламаслиги, жиноят иши очиш даражасигача ҳам бориши мумкин.

Ажримдан кейин собиқ хотинини таъминлаш масаласига келадиган бўлсак, "Оила кодекси"нинг 117–118-моддаларига мувофиқ, никоҳдан ажралганидан кейин собиқ хотин собиқ эридан ҳомиладорлик даврида ва фарзанди туғилиб, 3 ёшга тўлгунга қадар алиментдан ташқари ўз таъминоти учун қўшимча миқдорда пул олиши мумкин". Мавзуга оид диний саволларга жавобларни *"Қамолитдин Ориф ал-Бухорий"* жоме масжиди имом-хатиби *Закариё Ҳафизуллаев* берди.

– Шариатимизда ажрашган аёл ва унинг боласини моддий таъминлаш ва ғамхўрлик қилиш кимнинг зиммасида?

Агар ота ўз боласига алимент, яъни нафақа тўлашдан бош тортса, гуноҳкор ҳисобланадими?

– Никоҳ бизнинг динимизда ибодатдир. Ҳалол никоҳ билан оила қуриб яшаш, ҳар бир мусулмон эркак ва муслима аёлга ҳаётининг мазмуни ҳисобланади. Эр-хотин бўлиб, бир-бирини тушуниб яшаш, динимизда буюк бир ибодатнинг

устида ҳаёт кечириш деб ҳисобланади. Лекин тақдир тақазоси билан эрхотин ўртасида гап-сўз қочса, бир-бирига тўғри келмаса, шариатимиз ажримга истисно тариқасида рухсат беради. Бўлар-бўлмас ишларни деб, дунёнинг матоҳини деб ажрашиб кетиш эса, энг ёмон ишдир. Айниқса, фарзандини тирик етим қилиш динимизда қаттиқ қораланган. Фарзанд отасидан ҳам, онасидан ҳам воз кечолмайди. Отангдан воз кеч ёки онангдан воз кеч, деган инсон жоҳил бўлади.

Энди нафақа масаласига келадиган бўлсак, эридан ажрашган аёлнинг нафақаси, агар аёл ҳомиладор бўлса, то боласини туққунича, талоқ берган бўлса ҳам, эрининг зиммасида бўлади. Агар ҳомиладор бўлмаса, то иддаси тугагунча, эри нафақасини бериши лозим бўлади. Ҳаттоки, идданинг ичида эри вафот этса, эридан мерос ҳам олиши мумкин бўлади. Иддаси тугаганидан кейин эса, аёлнинг нафақаси отасининг, ака-укаларинг, жигарларининг зиммасида бўлади. Агар ҳеч кими бўлмаса, аёлга ғамхўрлик қилиш қўниқўшнилариининг, маҳалла, ҳаттоки жамиятнинг зиммасида бўлади.

Шариатимизда оилага рўзғор қилиш, уй-жой қилиш отанинг зиммасида. Лекин, агар ажраш-



ган бўлса, уй-жой қилиб беришга мажбур эмас. Аёллар бундай шартлар қўймасликлари лозим. Фарзандига нафақа бериш эса отанинг бурчидир. Алимент пулидан ташқари, фарзандларини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, то баалоғат ёшигача ғамхўрлик қилиш отанинг зиммасида. Алиментини бермаган, таъминотини қилмаган ота гуноҳкор бўлади”.

Ажримдан сўнг аёл худди домламиз айтганларидек, жамиятдан ёки бирор бир шахсдан моддий таъминот олди ҳам дейлик. Энди унинг жамиятда ўз ўрнини топишига фақатгина бир нарса, унинг психоэмоционал ҳолати таъсир ўтказиши мумкин. Психологларнинг тадқиқот натижаларига қўра, аксарият ҳолларда ажрим қурбони аёл киши бўлади. Яъни ажрим эркакларга нисбатан аёлларни келгуси оилавий бахтига, болаларининг тарбиясига, оила бюджетига, аёлнинг саломатлигига, ва албатта, руҳий ҳолатига салбий таъсир ўтказди. Бу ҳақида батафсил суҳбатимиз давомида билиб оламиз.

Ажримдан кейин психолог оқибатлар ҳақидаги саволларга психолог Сайёра Азларова жавоб берди.

– **“Ажрашган аёл кимга ҳам керак? Айниқса, боласи билан?”**”

Ажрашган аёлларнинг 99 фоизи айни шу саволни ўзига бериши аниқ. Хўш, уларни бу тушкун ҳолатдан қандай чиқариш мумкин?

– Ажрим, яъни никоҳнинг бузилиши аёл киши учун жуда оғир кечадиган жараён. Ажрим аёлнинг нафақат психоэмоционал ҳолатига, балки жисмоний ҳолатига ҳам салбий таъсир қилади. Бунга асосий сабаб, аёлнинг тушкунликка тушиши, ҳаётдан ҳафсаласи кетиши ва ўзида айбдорлик ҳиссини уйғотиши. Бизнинг жамиятимизда ижтимоий назорат кучли бўлганлиги сабабли, бу жараён янада мураккаблашади. Масалан, қариндош-уруғ ёки таниш-билишлар ўртасидаги муҳокамалар, аёлни айблаш ва шунга ўхшаш ҳолатлар.

Ажримдан сўнг аёлда физиологик томондан ҳам салбий ўзгаришлар бўлади, стресс натижасида доимий бош оғриқлари, уйқусизлик, тана вазнининг ортиши ёки ҳаддан ташқари озиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Бундай вазиятда, аёлларга психотерапевтга бориш маслаҳат берилади. Агар бунинг иложиси бўлмаса, қуйидаги маслаҳатлар берилади: ўз устида ишлаш, дунёқарашини кенгайтириш, янги танишлар орттириш ва энг муҳими, ҳозирги вазиятга имконсизлик

ёки бирор бир нарсани йўқотиш деб эмас, балки иккинчи имконият сифатида қараш. Масалан, келинлик даврингизда ўқишга ёки ишлашга имкониятингиз бўлмаган бўлса, мана сизга имконият, ўқинг, ишланг, моддий мустақилликка эришинг. Ёки оилали вақтингизда, уй юмушлари билан бўлиб, ўзингизга вақт ажрата олмаган бўлсангиз, нафақат ташқи гўзаллигингизга, балки саломатлигингиз, руҳий ҳолатингизга эътибор бера олмаган бўлсангиз, мана энди вақти келди. Аммо, фарзандингизни ҳам унутиб қўйманг, унинг ҳар кунини чиройли, ижобий эмоцияларга тўлдилинг. Шунда сизнинг ҳам кайфиятингиз кўтарилади, ҳаётга қизиқшингиз ортади.

Ўйлайманки, ушбу суҳбатимиз орқали ажримдан сўнг аёлларга керак бўладиган билим ва кўникмалар берилди. Психолог томонидан бериладиган маслаҳатлар эса уларнинг жамиятда яна ўз ўрнларини топишларига ёрдам беради деган умиддамиз. Ажримлар оқибатида ҳам моддий, ҳам руҳий томондан азият чекаётган аёллар ва болаларга бутун бир жамият, барчамиз масъул эканимизни унутмайлик.

Дилафрўз Миркамолова
тайёрлади.



БОЛАЛАРДАГИ НЕВРОЗ ҲОЛАТИ

Болалар неврози – бу болалар саломатлигидаги бузилиш бўлиб, организмнинг атроф-муҳитга кўникма ҳосил қилишини қийинлаштирувчи, инсоннинг воқеа-ҳодисаларни қабул қилишида ўзгариш ҳосил бўлиши сабабидан нерв системасида касаллик ривожланишига олиб келишидир. Неврознинг 3 хил кўриниши бор: неврастения, ёпишқоқ ҳолатлар неврози (невроз навязчивых состояний), истерик невроз.

Ўзининг сочини юлиб олиш ҳолати ёпишқоқ ҳолатлар неврозига кирувчи ҳолат. Мутахассислар бу касалликни трихотилломания деб аташади. Бола бу ишни автоматик ҳолатда бажариб, у ўзига

ўзи бунини тушунтира олмайдди. Бундай қилганида у оғриқни ҳис этмайдди, аксинча қандайдир чуқур қониқишни, роҳатни ҳис этади. Ойнага қарар экан, у қилган ишини маҳсулини кўриб ўзи ҳам ҳайрон қолади. У бундай қилмасликка ваъда беради. Қандайдир вақт ўзини тутиб ҳам тура олади. Аммо бирон қизиқарли кинони кўрар экан ёки қаттиқ ниманидир ўйлаб қолар экан, яна шу одатини такрорлайверади.

Аниқки қадим-қадимдан соч, қош, киприк, соқолга алоҳида эътибор қилинган. Сочни бутунлай олиб ташлаш, эркак кишининг соқолини қириб ташлаш қадимда қаттиқ обрўсини тўкилишига олиб келган. Бола ҳам худди шу

сингари ўзини жазолаш мақсадида, ўзидан қониқмаганида, омадсизлиги учун, ўзини айбдор ҳис қилганида онгсиз равишда ўзини сочдан, қош ва киприкларидан маҳрум қилади. Бундай болаларнинг оилаларида, демак, болага нисбатан қаттиқ туриш, унинг амалларини ёки ташқи кўринишини кучли танқид қилиш бор. Бундай ҳолатларда болалар ўзини ҳеч кимга керак эмасдек, қўлидан бирон иш келмайдигандек, лаёқатсиздек ҳис этадилар. Болалар бундай ҳолатда бировни айбламайдилар, балки мени ҳеч ким яхши кўрмас экан, демак, ҳамма нарсага ўзим сабабчиман деган фикрда бўладилар.

Бунинг сабаблари қуйидагилардир:



- Эмоционал таъсир кўрсатилганлиги, стресс ҳолати бўлганлиги. Оилада ёки бошқа бир муҳитга тушган болада психик травмага нисбатан бўлган реакция.

- Ўта паст ёки аксинча ўзига ҳаддан ташқари юқори баҳо бериш: 1) ўзига паст баҳо беришда – бу ота-онанинг болага эътибори, муҳаббати, хавотири ва қўллаб-қувватланишининг етишмаслиги. Бу ҳолатда бола сочини, қош ёки кипригини юлиши орқали ота-онанинг унга эътиборини қаратиши, раҳм қилиб бағрига босишига эришиш учун қилинади. 2) Ўзига ҳаддан ташқари юқори баҳо беришда эса ўзини хулқ-атворини кўз-кўзлаш, мақтаниш туради. Бу билан бола гўё “менга қаранглар, мени қандай ҳолатга солиб қўйдинглар” деяётгандек.

Ҳар турли невроз учун характерли бўлган томонлари:

1. Болада психологик типининг мавжудлиги ва бу ҳолат предневрозни, яъни невроз олди ҳолатини келтириб чиқазиши;

2. Болада ички конфликтнинг мавжудлиги;

3. Болада ички конфликтни ҳосил қиладиган психик травматизация;

4. Психологик ҳолатни муҳофазаси бўлиб, неврозни келиб чиқиши.

Неврозни олдини қандай қилиб олиш ёки даволаш мумкин?

Ота-онанинг энг би-

ринчи қиладиган иши – бу муаммо билан медукаментоз даволаниш учун невропатологга мурожаат этиши. Сўнг эса индивидуал ишланиши учун психотерапевт ёки психологга мурожаат этиши. Даволанишнинг ва психокоррекциянинг давомийлиги бир қанча ойдан бир неча йилгачадир. Чунки невроз шунчаки одат эмас, балки жиддий касалликдир. Шунинг учун бу касалликни узоқ вақт даволагандан кўра олдини олингани маъқул.

Шуни тушуниб олиш керакки, неврози бор бўлган болага “ўзингни қўлга ол” деб бўлмайди. Чунки айнан шу ҳолатда бола ўзини бутунлай қўлга ололмайди. Шу сабаб бундай гапдан болада невроз янада кучая боради.

Агар болани унинг ташқи кўриниши сабабидан тенгдошлари “семиз”, “қўрқоқ” каби гаплар билан масхара-лар экан, унга эътибор қилма, деб бўлмайди. Бу реал мушкулликка, шафқатсизликка бола тўқнаш келди. Унга ёрдам қўлини чўзиш керак. Ундаги ночорлик ҳолатини янада кучайтиришнинг ўрнига тенгдошлари билан муносабат қуришга ўргатиш керак. Ортиқча вазнга эга бўлган болани тўғри овқатланишга, жисмоний машқлар қилишга тарғиб қилиш керак. Боланинг ўзига бўлган ишончини кўтариш учун эса у ҳар

турли спорт тўғаракларига, ўйинлар ўйнашига, билимлар олишига шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Албатта буларга эришиш учун ота-она онгли, уқувли бўлиши ва болага мумкин қадар вақт ажратиши керак. Шундай қилинса, бора-бора болада ўзига бўлган ишончи орта боради. Айнан бирор ишда омадга эришиш боладаги қўрқоқликнинг устидан ғолиб келади. Фақатгина омадсизлик устидан ғалаба қозонилганидагина оптимизм, ботирлик ва ғайрат ҳосил бўлади. Невроз хоҳ қиз болада, хоҳ ўғил болада бўлсин, қўрқмаслик, ботирликнинг дефицитлигидандир. Ўғил ва қиз фарзанд учун оптимизмни ва қўрқмасликни ота-онаси ўз амаллари билан ўргата оладилар. Болага билим, илм берилиши, қобилиятларини ривожлантирилиши, маҳорат билан қуроллантирилиши, соғломлашиши ундаги психик ночорликни бартараф этилишига сабабдир. Болада ўзининг ғурурини муҳофазалаш ҳиссини уйғотиш мумкин агар ота-онаси шундай инсонлардан бўлсалар.

Яқун ясаб шуни айтиш лозимки, невроз касаллиги ўзига ишонган, реал ҳаётга тайёрланган, яъни табиий ҳаётий майда-чуйда стрессларга психикаси бардошли бўлган болаларда бўлмайди.

Мадина Джураева,
психолог

Тез тайёр бўладиган мазали Йогурт

Керакли масаллиқлар:

1 литр қатиқ (нордон эмас, ширин бўлиши шарт).

3 та банан.

3 ош қошиқ шакар.

Тайёрланиши:

Бу йогурт тез тайёр бўладиган ҳар хил консервантларсиз, мазали йогуртдир. Менинг фарзандларимнинг севимли ичимлигидир.

Энг аввал, бананни қирғичдан чиқариб оламиз. Бунда ярмини йирик томонидан, ярмини майда томонидан чиқариш керак. Идишга ҳамма масаллиқларни: қатиқ, қирғичдан чиқарилган банан ва шакарни солиб, аралаштирамиз. Аралашма тайёр бўлгач, ўша ҳолатида болаларга дарров беришингизни тавсия қиламан. Уй шароитида тайёрланган бу йогурт янги ҳолатида истеъмол қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳурматли онажонлар! Сиз ҳам осонгина ва тезда тайёрланадиган бу йогуртни болажонларингизга албатта тайёрлаб беринг! Болажонларингизни севимли ичимлигига айланишига ишонман.

Ёқимли иштаҳа!



Гулшода Аллоқулова